

ҚУДРАТУЛЛА ОМОНОВ

XIV - XV ЮЗЙИЛЛИКЛАРДА
БИТИЛГАН ТУРКИЙ ЁРЛИҚЛАР
ДИПЛОМАТИКАСИ

Тошкент - 2013

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ҚУДРАТУЛЛА ОМОНОВ

**XIV–XV ЮЗЙИЛЛИКЛАРДА
БИТИЛГАН ТУРКИЙ ЁРЛИҚЛАР
ДИПЛОМАТИКАСИ**

Тошкент – 2013

Ушбу китобда XIV–XV юзйилликларда битилган туркий ёрликлар дипломатикаси, уларнинг матн компонентлари ва тузилиши масалаларига эътибор қаратилади.

Китоб тарихчилар, филологлар ва айни йўналишда ўқиётган талабаларга мўлжалланган.

Монография Ф-1-136 “Илк ва ўрта асрларда яратилган туркий хужжатларнинг ўзбек давлатчилиги тарихидаги ўрни (дипломатика, сфрагистика, палеография ва матн интерпретацияси масалалари)” мавзuidaги илмий тадқиқот гранти доирасида ёзилди.

Тошкент давлат Шарқшунослик институтининг Илмий кенгаши нашрга тавсия этган (2013 йил октябрь ойининг ўттиз биринчи куни бўлиб ўтган 3- мажлис қарори).

Масъул муҳаррир:

ЎзРФА академиги, филология фанлари доктори, профессор
А. Рустамов

Тақризчилар:

Тарих фанлари номзоди **Х. Файзиев**,
филология фанлари номзоди **Б. Абдушукуров**

© Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2013 йил.

СЎЗ БОШИ

Аждодларимиз ўзаро ҳуқуқий муносабатларини кайд этиб қўйишга айрича ургу берганлар. Шу боис, ўтмиш ёзма меросимизнинг анчайин катта қисмини расмий матнлар ташкил этади.

Шарқшуносликда туркий тиллар тарихида расмий услубнинг юзага келиши, унинг юксалув босқичлари, ўтмиш девон-махкамачилик институтида қўлланган расмий қоғозларнинг жанрлари, расмий ёзмалар таркиби, уларда лисоний birlikларнинг танланиш масаласи, бир сўз билан айтганда, иш ёзмалар услуби **я х л и т** ҳодиса сифатида текширилган эмас.

Илк ва ўрта юзйилликларда туркий тилда битилган расмий ёзмалар қайта-қайта чоп этилган, қатор тилларга ўгирилганига қарамай, расмий услубнинг келиб чиқиши, унинг юксалув босқичлари, ўтмиш девон-махкамачилик идораларида қўлланган расмий матн турлари, айниқса, матн компонентлари, ҳужжатларнинг ички тузилиши, бир сўз билан айтганда расмий ёзмалар дипломатикаси масаласи чуқур ўрганилган эмас. Уларни тизимли ўрганиш масаласида ҳам фан олдиди қилинадиган ишлар кўп.

Илк ва ўрта юзйилликлардан қолган расмий ёзмалар нима мақсадда, кимга берилгани, ижтимоий-сиёсий мақоми, мазмун-моҳияти, йўналиши, қўлланилув теграси сингари белгиларига қараб қуйидаги тўрт туркумга ажратилади:

I. Давлат бошқаруви ва қонунчилиги билан боғлиқ матнлар.

II. Девон-махкама идораларига тегишли ёзмалар.

III. Халқаро дипломатик ёзишмалар.

IV. Дин бошқаруви билан боғлиқ битиглар (вақф ҳужжатлари).

V. Кишилар ўртасидаги олди-берди, савдо-сотик ишларини расмийлаштириш ва хўжалиқни тартибга солиш билан

SamDCHT ARM

боғлиқ иш қоғозлари.

Ушбу монографияда улардан ўрта асрларнинг девон-маҳкама идораларига тегишли ёзмалар, халқаро дипломатик ёзишмалар ва кишилар ўртасидаги олди-берди, савдо-сотик ишлари билан боғлиқ ҳужжатларнинг тузилиши, матн компонентлари таҳлил этилди.

РАСМИЙ ЁЗМАЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА УЛАРНИНГ МАТН КОМПОНЕНТЛАРИ

Расмий матн ҳуқуқий муносабат воқелигининг ёзув орқали кўриниши. Матн маълум бир жараённинг тасвири туширилган ол.

Расмий матннинг характерини кўрсатувчи энг муҳим жихат унинг амалиётга йўналтирилгани, яъни олдиндан кўзда тутилган мақсадни бажаришга қаратилганидир. Шунинг учун расмий матн доимо амалий вазифани бажарувчи прагматик ҳодиса саналади.

Тилнинг ёзма кўриниши узоқ кечган такомил жараёнида системалилик хусусиятини ишлаб чиқади.

Матн – ўз-ўзидан юзага келиб қолган қурилма эмас; у аниқ бир мақсадни амалга ошириш учун бир чизикқа бирлашади; у доимо бир хил, турғун кўринишда намоён бўлади. Шунинг учун у тугал тизим сифатида ўз мазмуни ва қурилмаларига эга тугалланган хабар сифатида кўз олдимизга келади. Расмий матннинг ана шу ўзгачалигига таяниб фанда дипломатик¹ ёндашув усуллари кўмагида унинг қурилмалари, ажралмас компонентлари таҳлил этилади.

Ғарб давлатчилиги тарихида кечган девон-махкама идораларида тузилган ҳужжатлар дипломатикасининг назарий асослари кенг планда, яхши ўрганилган. Бу йўналишда бажарилган тадқиқотлардан С.М. Каштановнинг “Очерки русской дипломатики (М., 1970)” ва “Русская дипломатика (М., 1988)” монографиясини қайд этишнинг ўзи етарли. Ушбу икки тадқиқотда дипломатиканинг асослари, объекти, методологияси сингари масалалар яхши ёритилган.

¹ Тарихнинг ёрдамчи фанлари сирасида алоҳида ўрин тутувчи ушбу соҳа, расмий ёзмаларнинг ички қуруми, шакли ва мазмунини ўрганади. Дипломатика фанининг келиб чиқиши, йўналишлари ва объекти тўғрисида тўлиқ маълумот учун қarang: [<http://dic.academic.ru/dic.nsf/bse/84678/Дипломатика>]

Шарқ мамлакатлари, жумладан, туркий давлатчилик кечмишида яратилган илк ва ўрта асрларнинг девон-махкама идораларига тегишли расмий ёзмалар дипломатикаси тугал текширилган эмас. Бу борада олиб борилган тадқиқотларда XVI юзйилликлардан кейин яратилган хужжатлар дипломатикаси эътиборга олинган. Айниқса, О.Д. Чеховичнинг “Задачи Среднеазиатский дипломатики” [Чехович 1969] номли мақоласида Бухоро, Хева ва Қўқон хонликлари девонхоналарида битилган хужжатларнинг дипломатик ёндашув усули асосида ўрганиш бўйича мулоҳазалар юритилади. Шунингдек, усмонлилар салтанати девонхонасидан чиққан хужжатларнинг тузилиши А. Заячковский ва Я Рехманнинг “Zarys dyplomatyki osmansko-tureckisi (Warszawa, 1955)” [Zayackowski, Reychman 1955] тадқиқотида ҳамда румин шарқишуноси М. Губоглунинг “Paliografia și diplomatica turco-osmana. Studiu și album (Bucuresti, 1958)” [Guboglu 1958] монографиясида текширилган. Кейинги йилларда сафавий подшоҳларнинг Бобурий султонлар билан олиб борган дипломатик муносабатлари акс этган хужжатларнинг тузилиши борасида ҳам ишлар амалга оширилди. Бунга А.М. Фарзалиев ва Р.М. Мамедованинг “Сефевиды и Великие Моголы в мусульманской дипломатике (Санкт-Петербург 2004)” асарни киритиш мумкин. Монографияда XVI–XVII юзйилликларда юртга эгалик қилган сафавийлар давлати билан бобурийлар салтанати ўртасидаги қўшничилик муносабатларининг айрим қирралари ёритилади. Шунингдек, Озарбайжон ФА Қўлёзмалар институти фондида сақланаётган “Муншаъати-с-салатин (Султонларнинг ёзишмалари)” манбасида келтирилган мактубларнинг тузилиши, услуби ва хужжат битишининг йўл-йўриқлари ўрганилган.

Биз тадқиқотнинг ушбу бўлимида шу кунга қадар яратилган гараб ва шарқ хужжатлари дипломатикасига бағишланган ишларнинг назарий базасига таяниб, илк ва ўрта асрларда

яратилган туркий хужжатларнинг дипломатикаси тўғрисидаги кузатувларимизни келтириб ўтамиз.

Илк ва ўрта юзйилликлардан қолган расмий ёзмалар нима мақсадда, кимга берилгани, ижтимоий-сиёсий мақоми, мазмуни-моҳияти, йўналиши, қўлланилув теграси сингари белгиларига қараб қуйидаги туркумларга ажратилган эди:

VI. Давлат бошқаруви ва қонунчилиги билан боғлиқ матилар.

VII. Девон-махқама идораларига тегишли ёзмалар.

VIII. Халқаро дипломатик ёзишмалар.

IX. Дин бошқаруви билан боғлиқ битиглар (вақф хужжатлари).

X. Кишилар ўртасидаги олди-берди, савдо-сотик ишларини расмийлаштириш ва хўжаликни юритиш билан боғлиқ иш қоғозлари.

Бизга қадар биринчи туркумга кирувчи матилар тарихий, бадиий асарлар (Урхун битиглари, Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асари ва "Темур тузуклари") кўринишида етиб келган. Ушбу асарларнинг расмий мати ўлчовлари асосида тузилишини таҳлил этишнинг имкони чекланган.

Мундарижа

Сўз боши.....	3
Расмий ёзмаларнинг тузилиши ва уларнинг матн компонентлари.....	5
Девон-махкама идораларига тегишли расмий қоғозларнинг ички қуруми.....	8
Халқаро дипломатик ёзишмалар ва зафар битигларининг матн компонентлари.....	45
Кишилар ўртасидаги олди-берди, савдо-сотиқ ишлари билан боғлиқ ҳужжатларнинг тузилиши.....	54
Ҳужжатларнинг лексик хусусиятлари.....	59
Ҳужжатлар расмийлаштиришнинг йўл-йўриқлари.....	75
Адабиётлар рўйхати.....	90